



“ 30 ” *март* 2018 у № 58

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 февралдаги “2018 йил учун Давлат статистика ишлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 81-сон қарори ижросини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 22 ноябрдаги 25/1-1616-сон топшириғига асосан, ҳамда республика экспорт-импортида туризм ҳажмини тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш, туризм статистикаси кўрсаткичларини ва туризм ёрдамчи ҳисобини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш тизимини такомиллаштириш мақсидида, **БУЮРАМАН:**

1. 2018 йилнинг июнь ойида қирувчи ва чиқувчи туризм бўйича танланма кузатув ўтказилсин.

2. Қуйидагилар:

Қирувчи туризм бўйича танланма кузатувни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби 1-иловага мувофиқ;

Қиришга оид туризм бўйича кузатув саволномаси 2-иловага мувофиқ;

Чиқишга оид туризм бўйича кузатув саволномаси 3-иловага мувофиқ;

2018 йил июнь ойида қирувчи ва чиқувчи туризм бўйича танланма кузатувда иштирок этувчи супервайзерлар ва интервьюерлар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташки иктисодий фаолият ва савдо статистикаси бошқармаси (Б.Иргашев):

супервайзерлар ва интервьюерлар ишини мувофиқлаштирилишини ҳамда назорат қилинишини;

танланма кузатув натижаларини умумлаштирилишини, маълумотларни махсус дастурга киритилишини ва улардан фойдаланиш учун зарурий жадвалларни тайёрланишини;

Қўмитанинг тегишли Бошқармаларига зарур маълумотларни киритилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Раиснинг ўринбосари А.Икрамов зиммасига юклатилсин.

Раис

Б.Бегалов